

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/.29.02. 2401.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

СУЛТОНОВА НИГОРА АЪЗАМОВНА

**РЕПРОДУКЦИЯ ВА ҲОМИЛА КЎТАРА ОЛМАСЛИКНИНГ
ИММУНОМОРФОЛОГИК МУАММОЛАРИ ҲАМДА УЛАР
ЕЧИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.02- Морфология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Султонова Нигора Аъзамовна

Репродукция ва ҳомила кўтара олмасликнинг иммуноморфологик муаммолари ҳамда улар ечимининг замонавий жиҳатлари..... 3

Султонова Нигора Аъзамовна

Проблемы иммуноморфологии репродукции невынашивания беременности и современные аспекты их решений..... 27

Sultonova Nigora A`zamovna

Immunomorphological problems of reproduction and inability to bear the fetus, as well as modern aspects of their solution..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/.29.02. 2401.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

СУЛТОНОВА НИГОРА АЪЗАМОВНА

**РЕПРОДУКЦИЯ ВА ҲОМИЛА КЎТАРА ОЛМАСЛИКНИНГ
ИММУНОМОРФОЛОГИК МУАММОЛАРИ ҲАМДА УЛАР
ЕЧИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.02- Морфология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1. DSc/Tib1208 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Негматуллаева Мастура Нуруллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Старцева Надежда Михайловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Веб-сайт: www.bsmi.uz; e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, e-mail: info@bsmi.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Р. Мирзоева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облокулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ҳомила тушиши паталогияси замонавий акушерликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммо бугунги кунда нафақат тиббиёт соҳасида, балки ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ҳам алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда, чунки ҳомилани муддатидан олдин тушиши давлатнинг демографик кўрсаткичларига салбий таъсир қилади. Ҳомиладорликнинг ушбу паталогиясининг долзарблиги ҳомила тушиши ҳолатларининг юзага келиш такрорийлигининг юқорилиги, аёлнинг умумий саломатлиги ҳамда унинг репродуктив тизими учун оғир, қайтмас оқибатларига олиб келади.

Дунё бўйлаб илмий тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган репродуктив касалликларнинг этиологик омилларини ўрганиш ва тадқиқ қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор ушбу паталогиянинг кўпайиши ва кенг тарқалиши билан боғлиқ. Тадқиқотчиларнинг фикрича репродуктив саломатлик муаммоси дунё миқёсида нафақат тиббий балки ижтимоий нуқтаи назардан жуда долзарб бўлиб келмоқда. Бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда ҳомила тушиши ҳолатлари барча кутилаётган ҳомиладорликларнинг 10-25 фоизида кузатилади; ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ушбу кўрсаткич 50% дан 80% гача етиши мумкин, иккинчи триместрда эса унинг миқдори 20% ва ҳомиладорликнинг учинчи триместрида 30% гача етиши мумкин. "...ЖССТ маълумотларига кўра, ушбу паталогия барча ҳомиладорликларнинг 2-4 нисбатда миқдорини ташкил қилади, ҳомиланинг энг кўп йўқотиш ҳолатлари асосан ҳомиладорликнинг эрта эмбрионал даврида кузатилади..."¹.

Мамлакатимизда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ҳомилани тушиши ҳолатлари ривожланишининг патогенетик асослари ҳанузгача тўлиқ тадқиқ қилинмаган ва шу туфайли ҳозирги кунга қадар ушбу паталогияга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш мақсадида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини жаҳон стандартларига мос равишда ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш..."² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар репродуктив ёшдаги аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий тиббий ёрдам даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали ҳомила тушиш хавфини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш долзарб йуналишларидан

¹ Clement E.G., Horvath S, McAllister A, Koelper NC, Sammel MD, Schreiber CA. The Language of First-Trimester Nonviable Pregnancy: Patient-Reported Preferences and Clarity. *Obstet Gynecol.* 2019 Jan;133(1):149-154.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон “2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Эрта ҳомиладорлик даврида ҳомила тушиши ривожланишининг патогенетик механизмлари ва эндометрийнинг маълум гормонлар рецепторларига сезгирлигини ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва даволаш муассасаларида илмий мультицентрик рандомизацияланган тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: FIGO (Акушер ва гинекологлар халқаро федерацияси), Европа инсон репродуктив саломатлик ва эмбриологияси жамияти (ESHRE), Америка акушерлар ва гинекологлар коллежи (ACOG), Женева тиббий таълим ва тадқиқотлар жамғармаси (Швейцария), Heidelberg университети касалхонаси (Германия), Leila Charbal-Auxiliaire Puéricultrice Перинатал маркази (Франция), Пекс университети халқаро маркази (Венгрия), Токио университети касалхонаси (Япония), Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази, Марат Оспанов номидаги Ғарбий Қозоғистон тиббиёт университети (Қозоғистон), Республика ихтисослаштирилган тиббий акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази (Ўзбекистон) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) каби олий ўқув юртлири базаларида олиб борилмоқда.

Эндометрий ва йўлдошнинг иммуногистокимёвий маркерларидан фойдаланган ҳолда одатий ҳомила тушиши ва хавф омилларини эрта ташхислашни яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси маълум маркерларга сезгирлигига қараб, ушбу патология кузатилган беморларни олиб боришда бир нечта янги ёндашувларни келтириб чиқарди; Вена тиббиёт университети, (Австрия) томонидан Ki-67, CD-34 маркерларининг ва эндометрий рецепторларининг (ER¹,PR) роли исботланган, Лейпциг университети акушерлик бўлими (Германия) томонидан эса эрта ҳомиладорлик даврида ҳомиланинг ўз-ўзидан тушишини баъшорат қилишда турли биомаркерларнинг ролини баҳолашга қаратилган усуллар ишлаб чиқилган.

³ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации произведен по следующим источникам: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed; www.who.int; www.cdc.gov/hpv; www.gavialliance.org; www.worldofscience.org; www.scopus.com

Бутун дунё бўйлаб бугунги кунда бир қанча илмий-амалий марказлар томонидан ҳомилани ўз-ўзидан тушиши ривожланишида биокимёвий, иммуногистокимёвий, доплерографик маркерларнинг ўрни ва ушбу патологияни замонавий ташхислаш усуллари ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар 50% ҳолатларда ўз-ўзидан ҳомила тушишига сабаб бўлган омил аниқланмаган бўлиб, ҳомиладорликнинг ушбу патологиясининг сабабларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳали ҳам акушерлик ва гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳомиланинг эрта тушиши муаммоси ва унга боғлиқ омилларга бағишланган кўплаб илмий изланишларга қарамасдан, ҳомиладорлик патологиясида иммунологик ва иммуногистокимёвий омилларнинг ўрни ҳозиргача етарлича ўрганилмаган (Н.С. Qublan, 2023). Ўз-ўзидан ҳомила тушиши билан бевосита боғлиқ бўлган турли хил омилларни аниқлаш бўйича сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳомиладорликнинг ушбу патологиясининг патогенези бўйича аниқ бир фикрга ва якуний хулосага келинмади (J.Y. Chen, 2024). Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, агар бир неча йиллар олдин ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши келиб чиқишида энг муҳим омиллар қилиб гормонал сабаблар ва истмик-цервикал етишмовчилик белгиланган бўлса, ҳозирда эса ҳали ҳам яхши ўрганилмаган юқумли ва иммунологик омиллар устунлик қилади (P.C. Boyle, 2024).

Ўз-ўзидан ҳомила тушиши кузатилган ва/ёки анамнезида ҳомилани кўтара олмаслик бўлган аёлларда гамма интерферони IFN- γ ишлаб чиқаришнинг кўпайиши кузатилади, шу билан бирга интерлейкин IL-4 ишлаб чиқариш сезиларли даражада камаяди ва уларнинг нисбатларининг ўзгариши цитокинлар ишлаб чиқаришнинг фетоплацентар тизим даражасида номутаносиблигини кўрсатади ва трофобласт инвазив жараёнларининг бузилишини аниқлаш учун сезгирлик тести ҳисобланади (Ю.Э. Доброхотова, 2020). Кўплаб муаллифлар томонидан тасодикий ва кутилмаган такрорий ҳомила тушиши билан оғриган беморларнинг 25 фоизда трофобластга қарши иммунитет ва яллиғланиш жавоб реакцияларининг кучайиши аниқланди, бу эса эмбриотоксик цитокинларнинг секрециясини оширишга олиб келади, шунингдек бу IL-2 нинг трофобласт зарарланишига ҳисса қўшиши исботланган ҳамда макрофагларнинг фаоллашиши TNF- α ва IL-12 ишлаб чиқаришга олиб келади (В.М. Сиделникова, 2018). Муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланиб тананинг иммунитет тизимининг умумий фаоллашуви ҳомила йўқотилиши жараёнидаги узок муддатли яллиғланиш ёки аутоиммун жараёнларга билвосита боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. (К.У. Вилчук, 2019 йил).

Мамлакатимизда бир қатор олимлар ўз-ўзидан ҳомила тушиши ривожланишидаги хавф омилларини ўргандилар. Ҳомиладорликдан ташқари ўз-ўзидан ҳомила тушиши билан оғриган аёлларда сурункали эндометрит ташхиси 73,15% ҳолатда гистологик жиҳатдан тасдиқланган ва 86,7% да эндометрида оппортунистик микроорганизмлар аниқланган, ушбу ҳолат организмдаги иммунопатологик жараёнларнинг фаоллашишига сабаб бўлиши

мумкин (Саиджалилова Д.Ж., 2018). Айрим маълумотларга кўра, ҳомиладорликнинг физиологик кечиши кўп жihatдан онанинг танасида иммуностимулятор ва иммуносупрессив жараёнлар баланси ҳамда ушбу жараёндаги цитокин тизимининг таркибий қисмлари иштирок этиши даражаси билан характерланади (Солиева Н.К., 2022). Лейкоцитлар формуласи кўрсаткичлари ҳам тананинг ҳимоя реакцияларида муҳим рол ўйнайди ва ЭЧТ лаборатория қон кўрсаткичи бўлиб патологик жараённинг ривожланишини белгилайдиган билвосита кўрсаткич бўлиб ҳам хизмат қилади (Манниезова Г.М., 2023).

Кенгайтирилган иммуногистокимёвий тадқиқот натижаларидан фойдаланиб, маҳаллий иммунитетнинг параметрларини ва уларнинг касалликнинг этиологияси ва морфогенезини аниқлашдаги ўрнини ва уларнинг стероид гормонлар рецепторлари функцияси билан боғлиқлигини ўрганиш мумкин, бу эса ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини танлашда ва фертил ёшдаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини тиклаш учун даволашда муҳим аҳамиятга эга. Айрим ҳолатларда муаллифларнинг фикрига ҳомилани кўтара олмаслик кузатилган беморларда гуморал иммунитетини ўрганиш давомида уларни баъзи кўрсаткичлари нормадагидан деярли фарқ қилмайди. Шундай қилиб, эндометрийнинг гистологик ва иммуногисто-кимёвий хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг ўз-ўзидан ҳомила тушиши учун хавф омилларини аниқлашдаги ўрни, эстроген ва прогестерон рецепторларини эндометриал рецептивлик белгилари сифатида ҳисоблаш мезонларининг корреляция хусусиятлари ҳақида яқуний фикр мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг “COVID-19 дан кейин организмнинг патологик ҳолатларини, шу жумладан Бухоро вилояти аҳолисининг соғлиғи муаммоларини ерта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” (2022-2026 йй.) мавзудаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Кенг қамровли морфологик, иммунокимёвий, гормонал ва ультратовуш текширувлари асосида ҳомиладорликнинг эрта даврида ҳомиланинг тушиши механизмларини аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- одатий ҳомилани кўтара олмаслик кузатилган аёлларда ҳомила тушиш ҳолати хавф омилларини ўрганиш;

- сариқлик қопи, хорион қалинлиги ва бачадон артериялари доплерометрик морфометрик кўрсаткичларига кўра гестациянинг эрта муддатларида ҳомила тушиши эҳтимолини башоратлашдаги аҳамиятини ўрганиш;

- тушган ҳомила материалининг морфологик хусусиятлари ва йўлдош васкуляризацияси маркерларининг иммуногистокимёвий таҳлили орқали ҳомиладорлик билан боғлиқ гормонлар ҳолати кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликни ўрганиш;

- ҳомила ташлашда пролиферация маркери Ki-67 нинг аёл иммунологик ҳолати билан боғлиқлиги ва унинг ҳомила ташлаш ҳолатидаги даво самарадорлигини аниқлаш;

- одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда липид фракцияси ҳамда коагулограмманинг ўзгаришларининг эрта башорат маркери сифатидаги ролини ўрганиш;

эрта гестацион муддатларда одатий ҳомила тушиш хавфини камайтириш мақсадида алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2025 йилларда Республика ихтисослаштирилган шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида даволанган, анамнезида ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ўз-ўзидан ҳомила тушиши кузатилган 151 нафар проспектив ҳомиладор аёл тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда 98 нафар ретроспектив одатий ҳомила тушиши кузатилган аёллар касаллик тарихи хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган қон таҳлили намуналари, эндометрий қириндиси ва иммуногистохимёвий текширувлар асос бўлди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий клиник, инструментал, ультратовуш, биохимёвий, гормонал, иммунологик, иммуногистохимёвий, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сариқлик қопининг 6 мм дан кичраймаслиги, шаклининг нотўғрилиги ва деворида кальцификатларнинг борлиги ҳомила ривожланишига салбий таъсир қилиши ва ҳаттоки ҳомила эрта тушишини башорат қилишда маркер сифатида ўрни исботланган;

Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида бачадон артерияларида PI ва RI кўрсаткичларининг ошиши ҳомила тушиши эҳтимолини башоратловчи маркер эканлиги исботланган;

Имуногистохимёвий маркерлар, жинсий гормонлар ва цитокинлар ўртасида корреляцион боғлиқлик ўрганилган, яъни ИЛ-6, ИЛ-12, ФНО- α нинг ошиши ва ER, PR, Ki-67 ҳамда ИЛ-10 камайиши одатий ҳомила ташлашнинг асосий омиллари эканлиги исботланган;

Ҳомиладорлик эрта даврларида яллиғланиш олди ҳамда яллиғланишга қарши маркерлар мувозанатининг ўзгаришига қараб ҳомила тушишини даволаш самарадорлиги асосланган;

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида комплекс даволашни олиб бориш ҳомила тушиш хавфи ва ретроплацентар гематома пайдо бўлишини камайишига, доплероетрик кўрсаткичларни яхшиланишига ҳамда ҳомиладорликнинг сақланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида кузатиладиган ўз-ўзидан тушган ҳомила материалларини ўрганиш натижасида хорион қавати ва ҳомила ўрнидаги патологик ўзгаришларни баҳолашда гистологик ва иммуногистохимёвий кўрсаткичларни мажмуавий ўрганишнинг касаллик истиқболлини белгилашдаги диагностика аҳамияти исботланган.

Ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб ҳомила тушиши хавфини башорат қилиш ва эрта ташхислаш учун белгиланган маркерлар ва

утероплацентар тизимдаги морфофункционал бузилишлар тўғрисидаги маълумотлар, истиқболда уларнинг иммун омиллар билан боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш пренатал тайёргарлик ҳамда ҳомила тушиши билан оғриган беморларда эрта босқичларидан бошлаб ҳомиладорликни самарали олиб боришнинг дифференциал тактикаси учун асос бўлади.

Ўтказилган илмий изланишлар асосида ҳомиланинг йўқотилиши, патогенетик жиҳатдан ҳомила тушиши хавфининг прогностик маркерлари асосида ишлаб чиқилган эрта ташхислаш ва прогнозлаш алгоритми, ҳомила тушиши туфайли асоратланган акушерлик анамнези кузатилган аёлларда эрта ҳомиладорлик босқичларидан пренатал тайёргарлик кўриш ва тузатувчи этиопатогенетик терапиясини ўтказиш ҳомиладорликни лозим даражада кечиши ва унинг муваффақиятли яқунланишига эришиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги аниқ назарий ёндашувлар ва тадқиқотда фойдаланилган замонавий биокимёвий, иммунологик, иммуногистокимёвий маркерлар, ультратовуш текшируви натижалари, доплерометрия ва қўшимча клиник лаборатор текширувлар, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий тадқиқотлари билан таққослашга асосланади. Олинган натижаларнинг ишончли ва мувофиқлиги улар томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган ташкилотларнинг хулосаларига асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, одатий ҳомила тушиши билан оғриган ҳомиладор аёлларда анамнестик биокимёвий, иммунологик, иммуногистокимёвий текширув кўрсаткичлари ва функционал тадқиқот усуллари асосида аниқланган маълумотлар ҳомиладорликнинг дастлабки босқичидан бошлаб одатий ҳомила тушиши кузатилган ҳомиладорларда ҳомиланинг йўқотилиши хавфини олдиндан аниқлаш ва эрта ташхислаш бўйича маълумотлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари муаммоли ҳомиладор аёллар учун комплекс терапевтик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги даволаш, ташхислаш усули ва механизмларини аниқлаш ҳамда жорий қилиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Кенг қамровли морфологик, иммунокимёвий, гормонал ва ультратовуш текширувлари асосида ҳомиладорликнинг эрта даврида ҳомиланинг тушиши механизмларини аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш натижаларига асосан:

биринчи илмий янгилик: Сариклик қопининг 6 мм дан кичраймаслиги, шаклининг нотўғрилиги ва деворида кальцификатларнинг борлиги ҳомила ривожланишига салбий таъсир қилиши ва ҳаттоки ҳомила эрта тушишини башорат қилишда маркер сифатида ўрни исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ультратовуш текшируви кўрсаткичларини башорат маркери сифатида қўллаш репродуктив даврда одатий ҳомила тушиши ва у билан боғлиқ асоратларни олдини олиш имконини

беради; *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* амбулатор хизматга мурожаатлар сонини қисқартириш, стационар даволаниш харажатларини қисқартириши билан асосланган. Ҳар бир бемор учун стационар даволаниш кунларини қисқартириш ҳисобига 300. 000 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди. Беморларнинг умумий сонидан 45 300 000 сўм иқтисод қилинган. *Хулоса:* репродуктив даврда одатий ҳомила тушиши ва у билан боғлиқ асоратлар хавфи билан боғлиқ харажатлар камайтирилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, 45 300 000 сўм маблағ иқтисод қилинди.

иккинчи илмий янгилик: Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида бачадон артерияларида PI ва RI кўрсаткичларининг ошиши ҳомила тушиши эҳтимолини башоратловчи маркер эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагича:* Ультратовуш текширувда бачадон артериялари PI ва RI кўрсаткичларининг ошишишига баҳо бериш орқали ҳомила тушиш хавфини ҳомиладорликнинг эрта муддатларида аниқлаш имкони пайдо бўлди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* юқоридаги кўрсаткичларни ҳисобга олиш орқали асоратлар ривожланмасдан олдин шифохонада даволаниш муддатини 7 кундан 5 кунгача қисқартириш ва шу асосда тиббий хизматларга сарфланадиган маблағларни камайтириш билан асосланди. Ҳар бир бемор учун шифохонада даволаниш кунларини қисқартириш ҳисобига 480 000 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди. Беморларнинг умумий сонидан 72 480 000 сўм тежаб қолинди. *Хулоса:* одатий ҳомила ташлаш хавфини ташхислаш чора-тадбирлари ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлари билан боғлиқ бир қатор камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, натижада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан 72 480 000 сўм иқтисод қилишга эришилди.

учинчи илмий янгилик: Иммуногистокимёвий маркерлар, жинсий гормонлар ва цитокинлар ўртасида корреляцион боғлиқлик ўрганилган, яъни ИЛ-6, ИЛ-12, ФНО- α нинг ошиши ва ER, PR, Ki-67 ҳамда ИЛ-10 камайиши одатий ҳомила ташлашнинг асосий омиллари эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* одатий ҳомила тушиши патологияси ривожланиш эҳтимолигини эрта босқичларда баҳолаш орқали унинг олдини олиш ва ҳомиладорликни физиологик гестация муддатигача етказиш имкони яратилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* Беморнинг шифохонада бўлиш даврида таклиф этилган текширув усуллари қўлланилгандан сўнг ҳомиладор аёлларнинг шифохонада қолиш муддати 7-8 кундан 4 кунгача қисқарди. Шу билан бирга, текширувлар учун ҳар бир бемор учун ҳисобига 470.000 сўм, жами 151 нафар бемор учун 70 970 000 сўм тежалди. *Хулоса:* Юқорида келтирилган барча даволаш усуллари комплекс қўлланилганда ушбу касаллик билан боғлиқ харажатлар камаяди, даволаш самарадорлиги ва хавфсизлиги ортади.

тўртинчи илмий янгилик: Ҳомиладорлик эрта даврларида яллиғланиш олди ҳамда яллиғланишга қарши маркерлар мувозанатининг ўзгаришига қараб ҳомила тушишини даволаш самарадорлиги асосланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* яллиғланишни кўзғатувчи

ва яллиғланишга қарши цитокинларни аниқлаш одатий ҳомила тушиш хавфини баҳолаш организмнинг яллиғланиш жавобининг камайишини, шунингдек, юқорида кўрсатилган жараён билан боғлиқ бошқа касалликларни динамикада баҳолаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Диагностик чора-тадбирларни қисқартириш ҳисобига амбулатор хизматга тиббий ёрдам учун мурожаат қилиш билан боғлиқ харажатлар камаяди. Шунингдек, лаборатория текширувлари учун ҳар бир бемор ҳисобига 300 000 сўм, жами 151 нафар бемор учун 45 300 000 сўм тежалди. *Хулоса:* одатий ҳомила тушиши кузатилган аёлларда ташхисида бир қатор камчиликлар ва юзага келиши мумкин бўлган асоратлар аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 45 300 000 сўмга ва ҳар бир бемор ҳисобига 300 000 сўмга тежаш имконини берди.

бешинчи илмий янгилик: Ишлаб чиқилган алгоритм асосида комплекс даволашни олиб бориш ҳомила тушиш хавфи ва ретроплацентар гематома пайдо бўлишини камайишига, доплероетрик кўрсаткичларни яхшиланишига ҳамда ҳомиладорликнинг сақланишига олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Ушбу ёндашувни клиник амалиётга жорий этиш одатий ҳомила тушиши ҳолатларни самарали назорат қилиш ва уларнинг ривожланиш хавфини камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. Бу стационар даволашга бўлган эҳтиёжни камайтиради, харажатларини қисқартиради ва мақбул индивидуал терапиянинг қулайлигини оширади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари аҳоли саломатлигини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимига ижтимоий юкни камайтиришга ёрдам берадиган одатий ҳомила тушиши ҳолатларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган профилактика дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Табақалаштирилган индивидуал терапия бир бемор учун 250.000 сўмни ташкил этади, бу эса жами 151 бемор учун 37.750.000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса:* Олинган натижалар соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштириш ва самарали даволаш имкониятларини кенгайтириш учун ушбу терапиянинг салоҳиятини таъкидлайди.

Мазкур натижалар “Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш” (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/109-сон Эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган) ва “Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида одатий бола ташлаш диагностикасини такомиллаштириш усуллари” (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/115-сон Эксперт Кенгаши томонидан тасдиқланган) услубий тавсияномаларига киритилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (32- ва 33-сонли буйруқлар, 06.05.2025 йил), Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2-туғруқ комплекси (19- ва 20-сонли буйруқлар, 05.05.2025 йил)

ва Қорақўл туман туманлараро перинатал маркази (72- ва 73-сонли буйруқлар, 05.05.2025 йил) фаолиятига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорликни кўтара олмаслик муаммосининг замонавий ечимлари ва репродукциянинг иммунопатологияси”** деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Ушбу бобда репродуктив даврда одатий бола ташлаш ҳолатининг тарқалиши, хавф омиллари ва клиник белгилари, ташхислаш - инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, даволашнинг замонавий усуллари ва унинг олдини олиш чоралари ва башорат қилиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материаллари ва усуллари баён этилган. Мазкур диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини бажариш учун 2022-2025 йилларда 151 нафар анамнезида одатий бола ташлаш булган репродуктив дарвдаги аёллар жалб қилинди. Биринчи гуруҳни аввалги ҳомиладорликлари физиологик кечган 53 нафар, (I-гуруҳ), иккинчи гуруҳга прегравидар тайёрланган ва даволанган 47 нафар-ҳомила тушиши кузатилган асоратланган акушерлик анамнези (ААА) 4-9 ҳафталик ҳомиладорлиги билан ҳисобга олинган аёллар киритилди, учинчи гуруҳга прегравидар тайёрланмаган ва даволанмаган ҳомиладорликнинг каттароқ муддатидаги 9-14 ҳафталик 51 нафар ҳомиладор аёллар (III-гуруҳ) киритилди. Тадқиқотга киритилган беморлар аёллар маслаҳатхоналари ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали (РШТЎИМ БФ) да текширилиб, даволандилар.

Гуруҳларга киритилган аёллар ёши 18 дан 35 ёшгачани ташкил этиб, ўртача ёш асосий гуруҳда 28,5 ни ташкил этди ($p>0,05$). Ҳайз цикли

давомийлиги 25 дан 32 кунгачани ташкил этиб, у ўртача ҳолда асосий гуруҳда 28-30 кунни, назорат гуруҳида эса 26-27 кунни ташкил этди ($p > 0,05$). Қонли ажралмалар давомийлиги жиҳатидан деярли фарқ қилмади, бунда у $4,2 \pm 0,5$ кунни ташкил этди ва ўртача деб эътироф этилди.

Текширилган ҳомиладор аёлларда мавжуд бўлган гинекологик касалликлар тури ўрганилди. Бунда гуруҳларда истмик-цервикал етишмовчилик, фолликуляр киста, эндометриоид киста, ХТЦБ (хайз-тухумдон циклининг бузилиши), ТОРЧ инфекцияси, сурункали цистит, сурункали эндометрит учради. Асосий гуруҳда истмик-цервикал етишмовчилик таққослаш гуруҳига нисбатан 8,15% га, фолликуляр киста 10,15% га, эндометриоз киста 6,8% га, хайз циклининг бузилиши 30,63% га, ТОРЧ инфекцияси 25,55% га ва сурункали цистит 9,95% га кўпроқ учради.

Ўрганилган гуруҳларда анемиянинг учраши бўйича яққол фарқлар қайд этилмади. Қалқонсимон без касалликлари биринчи гуруҳда 60,3%, иккинчи гуруҳда 44,68% ва учинчи гуруҳда 78,4% учраб, анемиядан кейин етакчи нозологияни ташкил этди.

Тадқиқот гуруҳларида акушерлик анамнезини таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланди. Назорат гуруҳида 52 (98,1%) тирик туғилган ва 1 (1,88%) ўлик туғилган, ҳомила тушиши биринчи триместрда 2 та, иккинчи триместрда 1 та ва учинчи триместрда 1 та ҳолат кузатилган. Иккинчи гуруҳда 15 (31,91%) тирик туғилган ва 2 (4,25%) ўлик туғилган, биринчи триместрда ҳомила тушиши 42 (89,3%), иккинчи триместрда 16 (34,0%) ва учинчи триместрда 2 (4,25%) ҳолатда кузатилган. Учинчи гуруҳда 18 (35,2%) тирик туғилган ва 4 (7,84%) ўлик туғилган, биринчи триместрда 49 (96,0%), иккинчи триместрда 21 (41,1%) ва учинчи триместрда 5 (9,8%) ҳолатда ҳомила тушиши кузатилган.

Текширилган барча аёлларда клиник, клиник-ускунавий ва лаборатория тадқиқотлари ўтказилди. Биокимёвий маркерлар (Д-димер, АҚТВ, ФНГ, ПВ, ПТИ, ХНО) ва гормонлар (ХГ, прогестерон) аниқланди. Текширилган барча беморларда ($n=151$) ультратовуш текшируви (доплерометрия) ва асосий гуруҳдаги ҳомиласи тушган аёлларда морфологик ҳамда иммуногистохимёвий таҳлиллар ўтказилди.

Бунинг учун «Human Clot Junior» 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Human Gesell schaft Biochemica und Diagnostica» (Wiesbaden, Germany) фирмасига мансуб коагулометр аппаратида фойдаланилди.

Имунологик таҳлил IFA MP-96 A Миндрай (Германия) аппаратида қаттиқ фазада иммунофермент усули билан бажарилди, бунда IL-1, IL-2, IL-6, IL-10, IL-12 ва TNF- α , VEGF-A цитокинлари кўрсаткичлари ўрганилди (ўлчов бирлиги пг/мл).

Она-бачадон-йўлдош тизими функционал ҳолатига баҳо бериш учун дастлабки ультратовуш текшируви ҳомиладорларда 4 дан 11 ҳафтасигача олиб борилди. Бунда «VOLUSEN 6» аппаратида фойдаланилди.

Морфологик таҳлил окуляр-микрометр аппарати «AxioLab.1» ёруғлик микроскопи ёрдамида амалга оширилди. Олинган кесимлардаги нуқталарнинг бир-бирига мос келувчи соҳалари солиштирилди, бу билан йўлдошнинг оғирлик тузилмасини умумий аъзодаги кўрсаткичлари ўрганилди. Кўриш майдонининг стереометрик нуқталарининг сони йўлдош тузилмаларига асосан

олиб борилди. Бундан ташқари, ҳар хил турдаги ворсиналарнинг фоиз нисбатини ҳам Р. Benirshke, Р. Kaufmann (1990) классификацияси кўрсаткичларига асосан аниқланди.

Иммуногистохимёвий тадқиқотда куйидаги антигенлар текширилди: эстроген (ER) ва прогестерон (PR), KI-67, CD-34.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F–Фишер мезони) га кўра ўрганилди, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюdent (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Ҳомиладорликнинг эрта муддатларида ўз-ўзидан ҳомила тушиши кузатилган ҳолатларда йўлдош ва эндометрийнинг гистологик ва иммуногистохимёвий таҳлили”** тадқиқотда абортив материални гистологик таҳлил қилиш натижалари келтирилган.


Микроскопик ўрганиш мақсадида эндометрийдан олинган қиринди намунаси ва йўлдошдан тайёрланган микропрепаратларни гемотоксилин-эозин бўёғи ёрдамида бўялиб, микроскоп окулярида 100 марта катталаштирилиб ўрганилди. Ушбу амалиёт 2 ва 3- гуруҳларда бажарилди. 1-гуруҳга кирган беморлар назорат гуруҳини ташкил этганлиги ва уларда асоратланган акушерлик анамнези кузатилмаганлиги туфайли уларда гистологик қиринди олишга эҳтиёж йўқ эди. 2-гуруҳга анамнезида ўз-ўзидан такрорий ҳомила тушиши кузатилган аёллар киритилган бўлиб, улар предгравидар тайёрланган, ҳамда ҳомила тушиши кузатилган вақтда эндометрийдан қиринди ва ҳомила йўлдошидан намуна олган ҳолда гистологик текширувлар олиб борилди. 3-гуруҳга анамнезида ўз-ўзидан такрорий ҳомила тушиши кузатилган аёллар киритилган бўлиб, улар предгравидар тайёрланмаган. Бунда 2-гуруҳдаги 47 нафар аёлнинг 5 тасида (11%) ҳомила тушиши кузатилди. Бундан 4 тасида ҳомиланинг 8-9 ҳафтасигача ўз-ўзидан тушиши (8,5%), 1 тасида эса (2,1%) 10-12 ҳафтасида тушиши кузатилди ва 6 тасида (12%) муддатдан олдин туғруқ содир бўлди. 3-гуруҳ беморлари (51 та) анамнезида ўз-ўзидан такрорий ҳомила тушиши кузатилган аёлларидан ташкил топган бўлиб, улар ҳомиладорликга тайёргарлик кўрмаган, яъни махсус профилактик даво чораларини олмаган бўлиб, уларнинг 30 тасида ҳомила тушиш хавфи (58,8%), 10 тасида ҳомила юрак уришининг ҳомиладорликнинг 9-10 ҳафтасига келиб ҳам (19,6%) тўхташи, 8 тасида ҳомиланинг 10-12 ҳафтасигача ўз-ўзидан тушиши (15,7%), 12 (24%) тасида эса муддатидан олдин туғруқ кузатилди. Олинган биоматериалларда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида, хусусан 1-триместр бошида куйидаги патологик ҳолатлар юз берганда, гистологик таҳлил кесмаларда айрим препаратларимизда ёш хорион сўрғичларининг камлиги, ташқи трофобластларнинг юзасида хужайралар тўплами синцитиотрофобластларнинг камлиги ва ундан ҳосил бўладиган ўсимталар трофобласт сўрғичлари (ворсинкалар) ривожланишининг орқада қолиши

кузатилди ҳамда бачадон эндометрия қаватининг етарли даражада қалин эмаслиги яъни гипоплазияси аниқланди.

Ўз-ўзидан ҳомила тушишининг асосий сабабларидан бири сифатида сариқ тана етишмовчилиги адабиётларда келтирилган бўлиб, у биз ўтказган тадқиқотда ҳам 40% ҳолатларда юқоридаги патология ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланди. Гистологик таҳлилда сариқ тана етишмовчилигининг ишончли белгиси сифатида аррасимон ҳужайраларнинг йўқлиги, эпителийда ҳар хил даражадаги жойлашган ядролар, спиралсимон қон-томирлар микдорининг нормага нисбатан камлиги, яхши ифодаланмаган децидуализация, нейтрал мукополисахаридлар микдорининг камайиши (ШИК-реакциясида) аниқланди.


Умуман олганда, аёл анамнезидаги абортлар ва ўз-ўзидан ҳомила тушишлари сони қанчалик кўп бўлса, гистологик таҳлил намунасида яллиғланиш белгилари шунчалик кучли ифодаланган бўлиши маълум бўлди. Қолган 53,0% ҳолатда эндометрий қириндисидида яллиғланишга хос ўзгаришлар аниқланди. Бунда эндометрий безларининг камлиги, айрим препаратларда безлар кистоз ўзгарганлиги, эндометрий бириктирувчи тўқимасининг парчаланиш белгилари, қон-томирлар тромбози белгилари аниқланди. Қолган 7,0% ҳолатда ҳомила тушиши сабаблари аниқланмади.

Ҳужайравий таркибнинг микропрепаратида децидуал строманинг йирик эпителиоид ҳужайралари кўп микдордаги оч пушти рангли цитоплазма ва юмалоқ, ахроматик ядроларга эга. Бунда пролиферация ва дифференциация нотекис ифодаланган - айрим зоналарда ҳужайралар зич жойлашган бўлса, бошқаларида ҳужайралараро бўшлиқларнинг кенгайиши кузатилади. Яллиғланиш инфильтрацияси ўчоқли хусусиятга эга бўлиб, нейтрофиллар ва лимфоцитлар устунлик қилган аралаш ҳужайравий таркибга эга, якка-якка плазматик ҳужайралар ҳам учрайди. Инфильтратлар асосан перифокал жойлашган бўлиб, кўпинча шикастланган спираль артериялар атрофида тўпланади. Синцитиотрофобласт ҳужайралари алоҳида, полиморф йирик ҳужайралар кўринишида бўлиб, уларнинг ядроси гиперхром, цитоплазмаси эса вакуоллашган. Улар ворсинкалар четлари бўйлаб тарқоқ гуруҳлар ёки децидуал тўқимада якка-якка “оролчалар” шаклида тарқалган. (1-расм)





1-расм. Гистологик кесмаларда децидуал тўқима қатламлари тарқоқ яллиғланиш инфильтрацияси (а), фибриноид некрозлар (б), йирик фокуслар ва тарқоқ синцитиотрофобласт ҳужайралари (в) аниқланади. Ранг: гем-эозин, ОкхОб, 10x20.

Хорион ворсинкалари йўлдошнинг асосий тузилмавий бирликлари бўлиб, она ва ҳомила ўртасидаги моддалар алмашинувини таъминлайди. Уларнинг гуруҳланиши, ўлчамлари ва шаклларининг хилма-хиллиги эмбрионал ва плацентар ривожланиш жараёнидаги динамик ўзгаришларга боғлиқ. Бундай морфологик хусусиятлар физиологик ўзгарувчанликни ҳам, бачадон муҳитидаги ўзгаришларга мослашиш реакцияларини ҳам акс эттириши мумкин, масалан, маҳаллий гипоксия ёки микроциркуляция бузилишлари ҳолатларида муҳим аҳамиятга эга (2-расм).



2-расм. Хорион ворсинкалари тўп-тўп бўлиб жойлашган, катталиги ва шакли ҳар хил, баъзилари миксоид шишган бўлади. Ворсинкалар юзаси икки қават яссилашган трофобластлар билан қопланган. Ранг: гем-эозин, ОКхОб, 10x10.

Маълумки, эндометрий етарли пролиферациясининг асосий маркерлари қуйидагилардир: ER, PR, CD-34 ва Ki-67. Бунда ҳомила кўтара олмаслик ҳолатларида экспрессия пасайган (3-расм).




3-расм. ER маркери. Ядро бўялиши натижалари 0%, интерпретация манфий, бўялиш интенсивлиги ва Аллред шкаласи 0%. Расм: иммуногистохимёвий текширув ОКхОб; 10x10

ER иммуногистохимёвий текширувида бўяш интенсивлиги: манфий, ядроларда жигарранг пигмент Мусбат ядролар фоизи: 0 %, Аллред шкаласи: 0 (мусбат ядроларнинг 0% + интенсивлик учун 0 балл). Ядро реакциясининг

умуман йўқлиги ушбу намунада эстроген ретсепторлари экспрессиясининг паст даражасини кўрсатди.


Аллред шкаласи бўйича эстроген ва прогестероннинг иммуногисто-кимёвий текширувида ядро фоизи ва бўялиш интенсивлиги 0% ни ташкил этди, децидуал эндометрит фониди - инфекция ва иммунологик омиллар билан боғлиқ бўлган децидуал тўқиманинг яллиғланишли шикастланиши ривожланмаган ҳомиладорлик оқибати бўлиши мумкин. (4-расм).



4-расм. PR маркери бўйича бўялиш интенсивлиги кучсиз, ядро бўялиши фоизи 10% ни ташкил этади, Аллред шкаласи бўйича 3 га тенг. ОКхОБ; 10x10.

Натижалар шуни кўрсатдики, ER паст экспрессия даражаси 2-гурухда 60%, 3-гурухда 66%, ўрта экспрессия эса 2-гурухда 20%, 3-гурухда 23% ва юқори экспрессия 2-гурухда 20%, 3-гурухда 10% ни ташкил этди. Худди шу ҳолат PR иммуногистохимёвий текширув натижаларида кузатилди.

CD 34 - бу эндотелиал ҳужайралар юзасида экспрессияланадиган гликопротеин бўлиб, янги қон томирлар ўсиши ва васкуляризация даражасининг кўрсаткичидир. Бу эса ҳомиладорликни ривожланиши ва сақлаб қолиш учун муҳим саналади. (5-расм).




5-расм. Эндометрийда қўнғир рангли CD34 мусбат қон томирларининг иммуногистологик текшируви. Майда спираль артерияларнинг пайдо бўлиши қайд этилди. ОКхОБ.10x40 катталаштирилганда 10 та кўриш майдонидаги артериялар сони

Препарат эндометрий томирларида CD34 нинг етарли даражада ифодаланишини кўрсатади, бунда ҳам майда капиллярлар, ҳам йирикроқ қон томир ўзанлари аниқ кўринади. Томирлар тўрининг кенгайган бўшлиқлари

ва юқори зичлиги эрта ривожланмаган ҳомиладорлик шароитида децидуал тўқиманинг кучайган васкуляризациясига мос келади.

Натижалар шуни кўрсатдики, CD-34 паст экспрессия даражаси 2-гуруҳда 40%, 3- гуруҳда 40%, ўрта экспрессия эса 2-гуруҳда 40%, 3-гуруҳда 26% ва юқори экспрессия 2- гуруҳда 20%, 3-гуруҳда эса 3,3% кузатилди.

Ушбу тадқиқотда Ki-67 иммуногистохимёвий маркерининг экспрессия даражаси йўлдош ва эндометрий тўқималарида пролиферация индекси баҳоланди. Материал сифатида: бачадон эндометрийси ва йўлдош тўқималаридан намуна олинди. Иммуногистохимёвий усул ёрдамида Ki-67



6-расм. Эндометрий тўқимасида Ki-67 иммуногистохимёвий маркер экспрессияси ва пролиферация индекси. Строма бўялгандаши пролифератив фаолик 5-8%. Бўялиш усули: иммуногистохимия, ОКхОБ;10x40.

экспрессияси аниқланди ва пролифератив индекс ҳисобланди. (6-расм)

Натижалар шуни кўрсатдики, Ki-67 паст экспрессия даражаси 2-гуруҳда 80%, 3- гуруҳда 66%, ўрта экспрессия эса 2-гуруҳда 20%, 3-гуруҳда 23% ва юқори экспрессия фақатгина 3-гуруҳда 3,3% кузатилди. Ki-67 пролифератив индекси эпителийда ҳам, стромада ҳам паст бўлганли кузатилди.

Диссертациянинг “**Ҳомила тушиши патологиясининг гематологик ва иммунологик жиҳатлари**” деб номланган тўртинчи бобида одатий ҳомила тушиши ривожланишининг гематологик ва иммунологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 2-гуруҳдаги (асосий гуруҳ) 11 та гематограмма параметрларидан 8 таси (72,73%) назорат гуруҳидан (1-гуруҳ) статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилган. Шу билан бирга, улардан 4 таси: гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар ва таёқча ядроли нейтрофиллар назоратга нисбатан сезиларли даражада камайган ($p < 0,05$), қолган 4 таси эса ранг кўрсаткичи, лейкоцитлар, лимфоцитлар ва эозинофиллар назоратга нисбатан сезиларли даражада ошган ($p < 0,05$). Айниқса, тромбоцитлар ва таёқча ядроли нейтрофиллар умумий сонининг камайиши ($p < 0,001$), лейкоцитлар ва эозинофиллар умумий сонининг ошиши ($p < 0,001$) яққол намоён бўлди. Асосий гуруҳдаги беморларда периферик қон кўрсаткичларининг номутаносиблиги прегравидар тайёргарлик ўтказилишидан қатъий назар қайд этилди. Ҳомиладор аёлларда гемостазиограмма билан бирга коагулограмма таҳлили ҳам гуруҳлар бўйича қиёсий жиҳатдан ўтказилди. Маълумки, коагулограмма қоннинг ивиш ва ивишга

қарши тизими ҳолатини баҳолаш учун қон таҳлилидир. Бунда протромбин индекси (ПТИ), протромбин вақти (ПВ), халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН), фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), фибриноген, Д-димер оксил фрагменти аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Бизнинг тадқиқотимизда 2-гурӯҳдаги ПТИ ($79,60 \pm 1,29\%$) назорат маълумотларидан деярли фарқ қилмади ($79,34 \pm 0,69\%$, $P > 0,05$), 3-гурӯҳда (таққослаш гурӯҳи) бу кўрсаткич 1- ва 2-гурӯҳларга нисбатан пасайган ($75,98 \pm 0,54\%$, $P < 0,05$). Демак, прегравидар тайёргарлик ПТИга ижобий таъсир кўрсатиб, назорат гурӯҳи даражасига кўтарилди. Бироқ, ПВ (протромбин вақти) кўрсаткичи бўйича бундай қонуният кузатилмади, чунки барча таққосланган гурӯҳларда ушбу параметр сезиларли даражада фарқ қилмади ($p > 0,05$).

1-жадвал

Тадқиқот гурӯҳлари бўйича ҳомиладор аёлларда коагулограмманинг қиёсий кўрсаткичлари

Коагулограмма кўрсаткичлари	Тадқиқот гурӯҳлари		
	1-гурӯҳ, (n=53)	2-гурӯҳ (n=47)	3-гурӯҳ (n=51)
ПТИ, %	$79,34 \pm 0,69$	$79,60 \pm 1,29 \leftrightarrow$	$75,98 \pm 0,54^* \downarrow \wedge$
ПВ, сек	$16,21 \pm 0,26$	$16,65 \pm 0,29 \leftrightarrow$	$16,08 \pm 0,22 \leftrightarrow \wedge$
ПО	$1,11 \pm 0,01$	$1,05 \pm 0,03^* \downarrow$	$1,02 \pm 0,04^* \downarrow$
ХМН, ед	$1,04 \pm 0,02$	$0,99 \pm 0,05 \leftrightarrow$	$0,88 \pm 0,05^* \downarrow \wedge$
ФҚТВ, сек	$27,1 \pm 0,17$	$26,2 \pm 0,29^* \downarrow$	$26,07 \pm 0,26^* \downarrow$
Фибриноген, г/л	$3059,1 \pm 44,4$	$2976,6 \pm 105,85 \leftrightarrow$	$2707,3 \pm 80,14^* \downarrow \wedge$
Д-димер, мкг FEU/мл	$60,96 \pm 6,05$	$632,4 \pm 13,4^* \uparrow$	$1280,5 \pm 80,9^* \uparrow \wedge$

Изоҳ: * - назорат гурӯҳига нисбатан ишончли фарқланиш белгиси; $\uparrow \downarrow$ - ўзгариш йўналишлари; \wedge - 2 ва 3-гурӯҳлар ўртасидаги ишончли фарқ белгиси; \checkmark - ишончли фарқ йўқ.

